



100170, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri,
Mirzo-Ulug'bek tumani, Mustaqillik shoh ko'chasi, 107.

107, Mustakillik avenue, Tashkent city,
100170, Republic of Uzbekistan

Tel: 998 (71) 267-35-92, (71) 267-37-42. e-mail: info@uzcsd.uz, uzcsd@exat.uz

Hisob raqami (the settlement account): 20210000604014949001, «Ipak yo'li» AITB Mirobod filiali, MFO 01101, INN 203021987, OKONX 96190

20 iyul 2023 yil.

01/10-4246-son

**“BIOKIMYO” АЖ корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш
тўғрисида ХУЛОСА**

Қайси корхона учун тайёрланди	“BIOKIMYO” АЖ
Юридик манзил	112 004, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Кимёгар кўчаси, 1 уй
Банк реквизитлари	х/р 20210000500129657001, Тошкент вил., АИТБ «Ипак йўли банк» Янгийўл тумани филиали, банк коди 01081
Қайси корхона томонидан тайёрланди	“Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонаси
Юридик манзил	100 170, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй
Телефон/факс:	тел: 998 (71) 267-37-42, (71) 267-36-87; факс: 267-36-94
Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар	Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами: 000979-03, 02.09.2008 й.
Банк реквизитлари:	х/р 23402000300100001010, Markaziy bank Toshkent shahar boshqarmasi.
Бош директор	Абдужаббаров Шерали Янгибаевич
Баҳолашда иштирок этган мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Абсаламов Э.Б.

“BIOKIMYO” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) томонидан тайёрланди.

Марказий депозитарий “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари

тўғрисида”ги 263-сонли қарори, Устав ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил ҳолисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (ҳозирда – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (ҳозирда – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби) томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилди.

Марказий депозитарий фақат Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва баҳслашилмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин Марказий депозитарийга келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга кўра тақдим этилмаган ҳужжатлар Марказий депозитарийнинг кўриб чиқиш доирасига киритилмади.

Марказий депозитарий Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисоблайди.

2023 йил 2 чорак якуни бўйича Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг натижаси **1032 балл**ни ташкил этди ва Марказий депозитарийнинг ҳулосасига мувофиқ, Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси **юқори** деб эътироф этилади.

Бош директор



Ш. Абдужаббаров